



ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

2007 йил

9 июнь

ШАНБА

№ 47

(11.954)

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга 8 июнь куни Оқсаройда Корея Республикаси ҳамда Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчилари этиб тайинланган – Кёнг Джэ Мин ва Иан Чарльз Макдональд Келли ишонч ёрлиқларини топширди.

Давлатимиз раҳбари ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олар экан, элчиларни шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани билан қутлади, юртимизда бошлаётган миссияларида муваффақият тилади. Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатлар билан ўзаро муносабатлари ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Корея Республикаси Ўзбекистоннинг Жанубий Шарқий Осиёдаги энг ишончли шерикларидир. Икки мамлакат ўртасида олти марта олий даражадаги таширф бўлиб ўтди. 2006 йил мартада Ўзбекистон раҳбарининг Жанубий Кореяга давлат таширфи асносида Президентлар – Ислам Каримов ва Но Му Хён Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларацияни имзолаганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бугунги кунда ўзаро муносабатлар ана шу ҳужжат руҳига мос тарзда ривожланмоқда.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея мунтазам сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказиб, халқаро майдонда

бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Парламентлараро алоқалар изчил ривожланаётди. Корея Республикаси Миллий ассамблеясида Ўзбекистон билан дўстлик парламент уюшмаси тузилган. Олий Мажлисида Корея билан ҳамкорлик гуруҳи таъсис этилган. Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий шериклари орасида Корея Республикаси етакчи ўрин тутди. 2006 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 613 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонда корейлик широклар билан ҳамкорликда тузилган 138 қўшма корхона, Жанубий Кореянинг 45 компанияси ваколатхонаси фаолият кўрсатяпти.

Ушбу мамлакатнинг янги тайинланган элчиси Кёнг Джэ Мин билан суҳбат чоғида муносабатларни барча соҳаларда янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Хусусан, корейлик дипломат иқтисодий ҳамкорлик қамровини кенгайтириш учун имкониятлар кўп эканлигини, бу хайрли мақсад йўлида куч-ғайратини аямай меҳнат қилишини таъкидлади.

Буюк Британия ишбилармон доираларида ҳам Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга қизиқиш катта. Буюк Британия савдо таснифида Ўзбекистон "стратегик бозор" гуруҳидаги мамлакатлар сафига киритилган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Буюк Британия сармояси иштирокида тузилган 195 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда Буюк Британиянинг 55 компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Умуман, Буюк Британия Ўзбекистоннинг Европадаги йирик савдо-иқтисодий шерикларидан бири саналади. Ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 254,7 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон-Буюк Британия кенгашининг 2006 йил апрелда бўлиб ўтган 13-мажлиси ҳамкорлик қўламини ошириш учун катта салоҳият мавжуд эканлигини яна бир бор намоиш этди. Айниқса, тоғ-кон саноати ва нефть-газ соҳаси устувор аҳамиятга эга.

Тошкентда Халқаро Вестминстер университети очилгани гуманитар ҳамкорлик самарасига ёрқин мисол бўла олади. Икки мамлакат олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум

имзоланган. "Соғлом авлод учун" ва "Сен ёлғиз эмассан" жамғармалари билан "British East-West Centre", "Everychild", "World Vision", "Oxfam", "HealthProm" каби ташкилотлар ўртасида бевосита алоқалар ўрнатилган.

Фанлар академиялари, қатор олий таълим муассасалари яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Масалан, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Археология институти ва Лондон археология институти ҳамкорлигида қўшма Ахисект (Фаргона вилояти) шаҳрида қадимги металлургия ва сопол буюмлар ишлаб чиқариш технологиясини ўрганиш бўйича лойиҳа амалга оширилди.

Сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлиқни кенгайтириш чора-тадбирлари ишга солинмоқда. Ўтган йили Лондонда Ўзбекистоннинг сайёҳлик бора-сидаги салоҳияти ва имкониятларига бағишланган тақдирот маросими ўтказилди.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида британиялик дипломат Ўзбекистонга элчи этиб тайинланганидан беҳад мамнун бўлганини, юртимиз гўзаллиги, айниқса, Тошкентнинг кўрки ўзини мафтун этганини таъкидлади. Ўзаро ҳамкорлиқни янада фаоллаштириш йўлида хизмат қилишга тайёр эканлигини маълум қилди.

Ў.А.

Хақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили

Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник имкониятларини мустаҳкамлашдек долзарб вазифалар Ижтимоий ҳимоя йилида айниқса, янги мазмун-моҳият касб этмоқда. Бу хайрли ишда ҳомийлар иштирокининг кенгайтирилиши, кўплад тадбиркор ва фермерлар тизимини ислоҳ қилишга астойдил, бегараз бош қўшаётгани ҳар қанча эътирофга лойиқдир.



САХОВАТ КУНДА КЕРАК

Яқинда Кибрай туманида бу борада бир йўла икки хайрли тадбир бўлиб ўтди. Хусусий тадбиркор Фарход Мирахмедов ўз маблағи ҳисобидан туман марказий

шифохонасининг болалар бўлимига «Дамас» русумли янги «Тез ёрдам» машинасини тухфа этди. Автомашинанинг муассасага топширилиши чинакам байрамга ай-

ланди. Бу билан ҳадемай тубдан таъмирдан чиқадиغان бўлим имкониятлари янада кенгайдиган бўлди.

Тумандаги «Интер-Рохат» қўшма корхонаси эса худди

шундай саховатни Салор шаҳарчасидаги «ТошИЭС» поликлиникасининг тез тиббий ёрдам бўлимига кўрсатди. Шу муносабат билан бу муассасада ҳам «Тез ёрдам» машинасини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Туман ҳокими бошчилигидаги вакиллар, жамоат ташкилотлари, тадбиркор ва фермерлар иштирокидаги хайрия тадбирида сўзга чиққанлар кўрсатилган бу саховат минглаб инсонларга сиҳат-саломамлиқ улашишдек эзгу ишга кўп йиллар хизмат қилишини таъкидлашди ва ҳомийларга ўзларининг самимий миннатдорчиликларини изҳор этишди.

Файрат ШЕРАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.

СУРАТЛАРДА:

«Тез ёрдам» машиналарини топшириш маросимидан лавҳалар.
Еркебой БОТИРОВ
олган суратлар.

ТОҒ БАҒРИГА САЁҲАТ

Ўрта умумтаълим мактабларида ўқув мавсуми босқичма-босқич якунланиб, барча ёшдаги болалар, ўсмир ўғил-қизлар учун сеvimли ва мароқли ёзги таътил кунлари бошланди.

Бу «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят, туман ва шаҳар бўлимлари ходимлари учун ҳам жуда долзарб палла ҳисобланади. Чунки, ҳозир ёш авлоднинг таътил давридаги вақтларини уюшган ҳолда турли фойдали машғулотлар билан ўтказишлари учун зарур тадбирлар кўришининг айна пайти. Пухта режа ва дастурлар асосида ташкил этиладиган турли қизиқарли машғулот ва тадбирлар болалар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатиш билан бирга, уларнинг билимларини оширишга, дунёқарашларини кенгайтиришга ҳам хизмат қилади.

Харакатнинг Янги йўл туман кенгаши ходимлари бу долзарб масаланинг моҳиятини тўғри тушуниб, айна кунларда

турли ёшдаги болаларни фойдали тадбир ва қизиқарли машғулотларга жалб этиш учун бор имкониятлардан самарали фойдаланишга ҳаркат қилмоқдалар.

Биз Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан кам таъминланган ва кўп болали оилалар фарзандларининг ёзги таътилларини мароқли ўтказишлари таъминлашга алоҳида эътибор қаратаямиз, – дейди кенгаш раиси Алишер Аҳмедов. – Айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган ҳамда ногирон болалар кўнглини олиб, маънавий ва моддий ёрдам кўрсатиш чораларини кўраямиз.

Дарҳақиқат, ҳаракатнинг туман кенгаши яқинда «Меҳржон» акциясини ўтказди. Ушбу

хайрли тадбир доирасида тумандаги 10 нафардан зиёд кам таъминланган болалар ҳолидан хабар олиниб, совғалар тақдим этилди.

Шунингдек, Бўстонлик туманининг Хумсон тоғли худуди ва «Кристалл» соғломлаштириш оромгоҳига уюштирилган саёҳатда ҳам 40 нафар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган болалар яйраб дам олдилар.

Расм чиқишга қизиқувчи ёшлар учун уюштирилган мусобақа эса, жуда қизиқarli ўтди. Учта совринли ўринларни Гулбаҳор қишлоқ фуқаролар йиғини худудида яшовчи Азизбек Жумадилов, халқободлик Шахноза Отабоева, гулбаҳорлик Комилжон Тожиқориев эгаллашди. Уларга ҳамкор ташкилотлар ҳамда «Камолот»нинг туман кенгаши томонидан таъсис этилган эсдалик совғалари топширилди.

Самад Йўлдош.

КЎНГИЛЛИЛАР КЎМАГИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юқоричирик туман кенгашининг кўмакчи гуруҳи Янгибозор шаҳарчасида яшовчи кекса онахон Шарофат Юнусонова хонадонида хашар уюштирди.

Ховли ободонлаштирилди, уй жиҳозлари тартибга келтирилди. Томорқадаги экинлар парвариси қилинди.

Шундай тадбир Тинчлик қишлоғининг Бирлик маҳалласида ҳам ўтказилди. Ёлғиз яшовчи Фаина Жубатирова уй-хўжалик ишларида ёрдам кўрсатган ёшларга миннатдорчилик билдирди.

Латифжон МАНСУРОВ.

БОЛАЛАР ҚУВОНЧИ ЧЕКСИЗ ЭДИ

Чирчиқ шаҳридаги Шодлик маҳалласида кичкинтойлар учун катта байрам ташкил этилди.

Уни мароқли ўтказишда Е. Квартюк, Л. Мартинова, А. Сейтбекирова, М. Санаяева, З. Жабборов ва сингари фалоллар алоҳида жонбозлик кўрсатишди. Шўх-шодон дискотекада болалар мириқиб рақс тушишди.

Болаларга эсдалик совғалари топширилди.

Жўрабек МУРОДОВ.

Ўқув-машғулот

ХИЗМАТ СОҲАСИГА ЭЪТИБОР

Ўртачирчиқ туманида республика Президентининг «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини ташкил этиш масалаларига бағишланган ўқув-машғулот ўтказилди.

Шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари, вилоят бошқармалари, хўжалик бирлашмалари ва уларнинг жойлардаги бўлимлари вакиллари иштирок этган бу машғулотда Молия, Иқтисодиёт, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари ҳамда бошқа тегishли идоралар вакиллари мажмур қарорининг мазмун-моҳиятини, унинг ижросига оид вазифалар ҳусусида батафсил фикрлашди.

Вилоятда 2006 йилда аҳолига пуллик хизмат

кўрсатиш 18,8 фоиз ўсди. Ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотнинг 22 фоизи шу тармоқ улушига тўғри келди. Шунингдек, 8,3 мингга яқин янги иш ўрни барпо этилди.

Семиярда тармоқдаги имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётгани, айниқса, қишлоқларда хизмат кўрсатиш тизими ўсиб бораётган талабларга мос эмаслиги, янги хизмат турлари ҳам етарли даражада ривожлантирилмаётгани ҳусусида атрофича тўхталинди. Маърузачилар аҳолига су-

гурта хизматлари кўрсатиш, тадбиркорлик субъектлари томонидан аудит хизмати-дан фойдаланиш ва бошқа молиявий хизматларни ривожлантириш, «Бандлик» жамғармасидан ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш, меҳнат бозоридagi ишчи кучи талаб ва тақлифларини мунтазам таҳлил қилиб бориш тўғрисида сўз юритишди.

Тижорат банклари томонидан кредит маблағлар ажратиш, минибанклар ташкил этиш, терминаллардан фойдаланиш, солиқ имтиёзларининг қўлланилиши ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш каби муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Хасанбой САЪДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.

Партиялар

ҳаётмуган

АМАЛИЙ ВА ИШЧАНЛИК РУҲИДА

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вилоят ташкилотининг ҳисобот-саялов конференцияси бўлиб ўтди.

Партия кўйи бўғинларининг фаолияти «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисидаги Конституциявий қонун талаблари нуктаи назаридан муҳокама қилинди.

Делегатлар партия фаолларини ва етакчиларини янги ижтимоий-сиёсий муҳитда ишлашга тайёрлаш муҳимлигини алоҳида таъкидлашди. Амалдаги кўппартиявийлик ва сиёсий плюрализмга асосланган парламент демократиясини босқичма-босқич шакллантириш ва ривожлантиришда партия кўйи бўғинлар кизгин иштирок этишлари керак бўлади. Кўйи бўғинлар, депутатлик гуруҳи аъзоларининг фаолияти, жонқуярлиги ва ташаббускорлиги жойларда қучли жамоатчилик назоратини амалга оширишининг асосидир.

Конференция ташкилий масалаларни ҳам кўриб чиқди. Муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ю. ЖУМАНИЕЗОВ.

ТАДҚИҚОТЛАР САМАРАСИ

Ўзбекистон Фанлар академиясининг физика-техника илмий марказида ўтказилган анжуманда кейинги йилларда қўлга киритилган илмий ютуқлар сарҳисоб қилинди.

Анжуманда Паркент туманидаги «Физика-қўш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси олимларининг изланишлари-га ҳам яхши баҳо берилди. Айтиш мумкинки, бирлашма лабораторияларида олиб

борилаётган тадқиқотларнинг ақсарияти яхши самара берди. Айниқса, қотишмалар, ярим ўтказгичлар физикаси йўналишидаги тажриба-намуна ишлари натижаси ўлароқ қатор қўрилмалар юзасига кел-

ди. Радиокимё саноатида, тиббиёт муассасаларида улардан фойдаланиш мумкин.

Гелиевий аппарат эса қўл медаларини куриштишда қўл келади. Маҳаллий хом ашёдан техник керамика тайёрлашга мослаштирилган қўрилма ҳам амалиётга тавсия этилди.

Анвар АЗИЗОВ.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

МУСИҚА КЕЧАСИ

Чиноз туманидаги Хўжа маҳалласида «Сугдиёна» халқ чолғулари камер оркестри иштирокида мусиқа кечаси ташкил этилди.

Ушбу бадиий гуруҳ республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги қoшида ташкил этилган.

Тадбирга маҳалла вакиллари, 14-мусиқа мактаби ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари тақлиф қилинди. Унда мактаб ўқувчилари ўз маҳоратларини намойён қилишган бўлса, моҳир мусиқачилар ўзбек ва хорижий композицияларни маромига етказиб ижро этишди.

Феруза ТўРАЕВА.

ЭЛЛИК КИШИ ИШЛИ БЎЛАДИ

Охангарондаги «Асл керамика» хусусий корхонаси қошида пишқ гишт ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик завод қуриб, мустақиллик байрами арафасида ишга тушириш режалаштирилган.

– Айни вақтда заводга Россия технологияси асосида гишт тайёрловчи печлар ва ёрдамчи ускуналар ўрнатилаяпти, – дейди шаҳар савдо-саноат палатаси қoшидаги ахборот-маслаҳат маркази раҳбари Абдухалил Қобилов. – Энг муҳими, келажакда бу ерда эллик киши иш билан банд бўлади.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА.



СУРАТДА:

байрам пайти.

Даврон АХМАД олган сурат.

КАТТА БИР ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

Чинозда Рус маданияти маркази иш бошлаганига бир йил бўлди. Шу муносабат билан 25-ва 42-умумтаълим мактабларининг ўқувчилари рус халқ эртаклари асосида саҳналаштирилган томошалар тайёрлашди.

Бу байрам Россия кунини нишонлаш билан уйғунлашиб кетди. Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги элчионаси, «Росзарубежцентр» ва республика Рус маданияти маркази вакиллари ҳамда кинозликлар бу спектаклларни мириқиб томоша қилишди.

Марказ қoшидаги тўғаракларнинг машғулотларига юқори синф

ўқувчилари, ўрта ёшдаги кишилар ва пенсионерлар бирдек қизиқиш билан қатнашдилар. Бу машғулотлар турли миллатларнинг фарзандларини яқинлаштиришга, умуминсоний қадриятларнинг мустаҳкамланишига қишларнинг маънавий дунёсини гўллаштиришга хизмат қилаётди.

Содиқ МЎМИНОВ.

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

ДУШАНБА 11	СЕШАНБА 12	ЧОРШАНБА 13	ПАЙШАНБА 14	ЖУМА 15	ШАНБА 16	ЯКШАНБА 17	
O'ZBEKISTON 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00 «Тахлилнома». 8.50, 13.45, 17.15, 1.30 Олтин мерос. 9.00 «Жажжи сеҳрлар». Б/ф. «Қундуз амакининг қиссалари». М/с. 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00, 1.00, 4.00 «Ахборот». 11.15 «Шахсий фикр». 11.50 «Одами эрсанг». 12.15 «Бу чоллар «ёмон» чоллар». Спектакль. 14.20 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». 15.10 «Хаёт манзаралари». 15.20 «Ватанпарвар». 16.20 «Мозий силрари». 16.40 «Эртақлар - яхшиликка етаклар». 17.25 «Уйчи». Премьера. 17.40 «Хаёт ва қонун». 18.00 «Оханглар оғушида». 18.10, 4.35 «Маргилон - 2000». 18.15 «Сиз билган ва билмаган». 18.35, 4.40 «Минг бир ривоят». 18.40 «Ошин». Т/с. 19.10 «Сизнинг адвокатингиз». 19.15 «Молия ва банк хабарлари». 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар. 20.05 «ТВ шифокор». 20.10 «Чоликуши». Т/с. 21.40 Эркин мавзу. 22.00 «Мухаббат гўшаси». Т/с. 23.00 «Кўшигимсан, муҳаббат». 23.10 «Икки тақдир». Т/с. 23.55 Тунги наволар. 00.15 «Мухаддас қадамжолар». 00.35 «Чемпион силрари». 1.40 «Келинлар кўзғолони». Спектакль. 3.50 «Самарканд - 2750». 4.45 Т/с «Мирзо Улугбек». 5.45 Тонгги наволар. YOSHLAR 16.00, 19.00, 22.00 «Давр». 16.15 «Ватаним!». 16.20 «Нафосат олами». 16.30 «Ватанпарвар». 17.30 «Болаларга жониворлар ҳақида». 18.20 «Самарканд - 2750 ёшда!». 18.25 «Давр-репортаж». 18.35 «Ғазал мулки». 18.55, 21.55 «Икким». 19.30 «Қор алангаси». Т/с. 20.10 «Юклар». 17.00 «Радиомат кўрсатамиз». 17.15 «Матонат». 17.30 «Болаларга жониворлар ҳақида». 18.20 «Кино-SMS». 18.25 «ЎзЕХ хабарлари». 18.35 «Ғазал мулки». 18.55, 21.55 «Икким». 19.30 «Қор алангаси». Т/с. 20.10 «ЎзЕХ хабарлари». 20.15 «Давр мавзуси». 20.30 «Ҳеч нима ҳақида битиклар». 20.40 Эълонлар. 20.50 «Зерда». Т/с. 21.35 «Ёшлик наволари». 22.30 «SMS-музыка». 22.50 «Гул ифори». Т/с. TQSHKENT 17.55 М/ф «Шумтакалар». 18.05, 21.50 «Телекуррьер-маркет». 18.30 «Пойтахт». 18.50 «Гвадалупе». Т/с. 19.30 Музыка SMS. 19.50 «Будьте здоровы». 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт». 20.15, 21.45 «ТВ юрист». 20.20 Мир животных. 20.50 «Интервью». 21.00 «Жозоба». 22.10 «Ўзбек таомлари». 22.50 Х/ф «Фантастическая четвертка». 7.00 «Бодрое утро». 8.05 «Малахов +». 9.00, 9.50, 18.00, 21.30 «Хабарлар». 9.20 «Детективы». 10.10 Футбол. Чемпионат Узбекистана. 11.00 Самбо. Чемпионат мира. 11.40 Концерт национального оркестра. 18.00 «Детский спорт». 18.15 «Музыкальный тайм». 18.50 «Тет-а-тет». 19.00 Самбо. Чемпионат мира. 19.40 «Футбольное обозрение». 20.00 «Моя девушка». Т/с. 20.50 Теннис. Открытый чемпионат Франции. 21.50 «Император и убийца». Х/ф. 23.10 ПрофРИНГ.	O'ZBEKISTON 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00, 1.00, 4.00 «Ахборот». 8.40, 13.45, 17.15, 1.30 Олтин мерос. 8.50 «Финист - сарлочин». Б/ф. 10.10, 20.10 «Чоликуши». Т/с. 10.45 «Сизнинг адвокатингиз». 10.50 «Молия ва банк хабарлари». 11.00, 12.00 «ТВ шифокор». 11.25, 20.05 «ТВ шифокор». 11.20, 23.10 «Икки тақдир». Т/с. 12.00, 00.50 «Самарканд - 2750». 12.05 «Ягона оилада». 12.25 «Одамлардан бири». 12.50, 22.00 «Мухаббат гўшаси». Т/с. 14.20 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». 15.10 «Хаёт манзаралари». 15.20 «Интеллектуал ринг». 16.05 «Мозий силрари». 16.25 «Сиз билган ва билмаган». 16.45 «Эртақлар - яхшиликка етаклар». 17.20 ИИБ хабарлари. 17.35 «Худудлар ҳаёти». 17.50 «Оханглар оғушида». 18.00 «Стандарт ва сифат». 18.15 «Рангин дунё». 18.35, 4.40 «Минг бир ривоят». 18.40 «Ошин». Т/с. 19.10 «Банк ва мижоз». 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар. 21.40, 2.40 «Бир ўлка-ки». 23.00 «Кўшигимсан, муҳаббат». 23.55 Тунги наволар. 00.20 «KINOMANIYA». 1.40 «Интеллектуал ринг». 2.25 «Истеъдод». 3.15 «Назм ва наво». 4.45 «Маргилон - 2000». 4.45 Т/с «Мирзо Улугбек». 5.45 Тонгги наволар. YOSHLAR 16.00, 19.00, 22.00 «Давр». 16.15 «Ватаним!». 16.20 «Нафосат олами». 16.30 «Ватанпарвар». 17.30 «Болаларга жониворлар ҳақида». 18.20 «Самарканд - 2750 ёшда!». 18.25 «Давр-репортаж». 18.35 «Ғазал мулки». 18.55, 21.55 «Икким». 19.30 «Қор алангаси». Т/с. 20.10 «ЮКЕР» телелотереяси. 20.20 «Оқшом кўнгираклари». 20.25 Ижтимоий ҳимоя йилига: «Матонат». 20.40 Эълонлар. 20.50 «Зерда». Т/с. 21.35 «Ёшлик наволари». 22.30 «SMS-музыка». 22.50 «Гул ифори». Т/с. TQSHKENT 7.30 «Салом, Тошкент!». 8.35, 18.50 «Гвадалупе». Т/с. 9.15, 18.05, 21.50 «Телекуррьер-маркет». 9.35 «Аёл қалби». 9.50, 11.15, 20.15, 21.45 «ТВ юрист». 10.00, 19.30 «Музыка SMS». 10.20, 20.50 «Интервью». 10.35 «Будьте здоровы». 10.45 «Всё о туризме». 11.25 Х/ф «Мистер Крутой». 17.55 М/ф «Шумтакалар». 18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт». 19.50 «Химоя». 20.20 Мир животных. 21.00 «Жозоба». 22.10 «Ўзбек таомлари». 22.50 Х/ф «Фантастическая четвертка». 7.00 «Бодрое утро». 8.05 «Малахов +». 9.00, 9.50, 18.00, 21.30 «Хабарлар». 9.20 «Детективы». 10.10 Футбол. Чемпионат Узбекистана. 11.00 Самбо. Чемпионат мира. 11.40 Концерт национального оркестра. 18.00 «Детский спорт». 18.15 «Музыкальный тайм». 18.50 «Тет-а-тет». 19.00 Самбо. Чемпионат мира. 19.40 «Футбольное обозрение». 20.00 «Моя девушка». Т/с. 20.50 Теннис. Открытый чемпионат Франции. 21.50 «Император и убийца». Х/ф. 23.10 ПрофРИНГ.	O'ZBEKISTON 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00, 1.00, 4.00 «Ахборот». 8.40 «Олтин тоғ». «Қундуз амакининг қиссалари». М/с. 9.35 Дугорчилар ансамблининг концерти. 9.55 «ИИБ хабарлари». 10.10, 20.10 «Чоликуши». Т/с. 10.45 «Банк ва мижоз». 11.15, 20.05 «ТВ шифокор». 11.20, 23.10 «Икки тақдир». Т/с. 12.00, 00.50 «Самарканд - 2750». 12.05 «Ягона оилада». 12.25 «Одамлардан бири». 12.50, 22.00 «Мухаббат гўшаси». Т/с. 14.20 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». 15.10 «Хаёт манзаралари». 15.20 «Интеллектуал ринг». 16.05 «Мозий силрари». 16.25 «Сиз билган ва билмаган». 16.45 «Эртақлар - яхшиликка етаклар». 17.20 «Эркин иқтисодиёт». 17.40 «Таълимга эътибор - келажакка эътибор». 18.00, 4.35 «Маргилон - 2000». 18.15 «Охланглар оғушида». 18.35, 4.40 «Минг бир ривоят». 18.40 «Ошин». Т/с. 19.15 «Молия ва банк хабарлари». 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар. 21.40 «Одамлардан бири». 23.00 «Кўшигимсан, муҳаббат». 23.55 Тунги наволар. 00.20 «Ўзбегим ҳаёти». 1.40 «Янги кун». 2.40 «Ватанпарвар». 3.40 «Сузана ва чинни буюмлар». 4.45 Т/с «Мирзо Улугбек». 5.45 Тонгги наволар. YOSHLAR 7.00, 15.00 «Янги тонг». 9.00, 13.15 «Даврининг боласи». 9.15 «Болалар табассуми». 9.20, 20.50 «Зерда». Т/с. 9.55, 15.55, 18.55, 21.55 «Икким». 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр». 10.20 «Иркин ўрдака ва мен». М/ф. 11.40, 18.35 «Ғазал мулки». 12.00 «Тасвир ва таассурот». 12.15 «Санъат усталари». 13.30 «Афсона ва ҳақиқат» туркуми: «Зилил». 14.15, 19.30 «Қор алангаси». Т/с. 14.50 «Муруват». 16.15 «Ватаним!». 16.20 «Автопарул». 16.35 «Маргилон - 2000 ёшда!». 16.40 «Солиқ хизмати хабарлари». 16.50 «Таълим ва таракқиёт». 17.05 «Самарканд - 2750 ёшда!». 17.10 «Чемпион силрари». 17.30 «Ўсимликларнинг қўринмас олами». 18.20 «Кино-SMS». 18.25 «Сифат белгиси». 20.10 «KINOMANIYA». 20.40 Эълонлар. 21.35 «Ёшлик наволари». 22.30 «SMS-музыка». 22.50 «Гул ифори». Т/с. TQSHKENT 7.30 «Салом, Тошкент!». 8.35, 18.50 «Гвадалупе». Т/с. 9.15, 18.05, 21.50 «Телекуррьер-маркет». 9.35 «Мисли гаваҳар». 9.50, 10.40, 20.15, 21.45 «ТВ юрист». 9.55 «Юртим жамоли». 10.10 «Интервью». 10.20, 19.30 «Музыка SMS». 10.50 Х/ф «С меня хватит». 17.55 М/ф «Шумтакалар». 18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт». 19.50 «Химоя». 20.20 Мир животных. 21.00 «Жозоба». 22.10 «Ўзбек таомлари». 22.50 Х/ф «Фантастическая четвертка». 7.00 «Бодрое утро». 8.05 «Малахов +». 9.00, 9.50, 18.00, 21.30 «Хабарлар». 9.20 «Детективы». 10.10 Футбол. Кубок Узбекистана. 11.00 Кураш. Республиканское первенство. 11.30 «Звезды мирового спорта». 18.00 «Детский спорт». 18.15 «Музыкальный тайм». 18.50 «Путешествия натуралиста». 19.15 «Народные игры». 19.35 «Футбол мундиал». 20.00 «Моя девушка». Т/с. 20.50 Автоспорт. Ралли Акрополис. 21.50 «Император и убийца». Х/ф. 22.50 Еврофутбол.	O'ZBEKISTON 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00, 11.00, 12.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00, 1.00, 4.00 «Ахборот». 8.40 «Олтин мерос». 8.50 «Цирк, цирк, цирк». «Қундуз амакининг қиссалари». М/с. 9.40 «Табарук замин». 10.10, 20.10 «Чоликуши». Т/с. 10.45, 18.15, 4.55 «Минг бир ривоят». 10.50 «Молия ва банк хабарлари». 11.15, 20.05 «ТВ шифокор». 11.20, 23.10 «Икки тақдир». Т/с. 12.00 «Самарканд - 2750». 12.05, 4.35 «Замонавий ўзбек мини-атюраси». 12.25 «Қишлоқ ҳаёти». 12.50, 22.00 «Мухаббат гўшаси». Т/с. 13.45 «Зилло». 15.10 «Заранг коса». Б/ф. 16.00 Ю. Ражабий номидаги маком ансамблининг концерти. 16.20 «Меҳр кўзда». 16.40 «Эртақлар - яхшиликка етаклар». 17.20 «Имконият». 17.40 «Шифокор қабулида». 18.05 «Оханглар оғушида». 18.15 «Яхшилар ёди». 18.35, 4.40 «Минг бир ривоят». 18.40 «Ошин». Т/с. 19.15 «Молия ва банк хабарлари». 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар. 21.40 «Одамлардан бири». 23.00 «Кўшигимсан, муҳаббат». 23.55 Тунги наволар. 00.20 «Ўзбегим ҳаёти». 1.40 «Янги кун». 2.40 «Ватанпарвар». 3.40 «Сузана ва чинни буюмлар». 4.45 Т/с «Мирзо Улугбек». 5.45 Тонгги наволар. YOSHLAR 7.00, 15.00 «Янги тонг». 9.00, 13.15 «Даврининг боласи». 9.15 «Болалар табассуми». 9.20, 20.50 «Зерда». Т/с. 9.55, 15.55, 18.55, 21.55 «Икким». 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр». 10.20 «Иркин ўрдака ва мен». М/ф. 11.40, 18.35 «Ғазал мулки». 12.00 «Тасвир ва таассурот». 12.15 «Санъат усталари». 13.30 «Афсона ва ҳақиқат» туркуми: «Чакмоқ». 14.15, 19.30 «Қор алангаси». Т/с. 14.50 «Муруват». 16.15 «Ватаним!». 16.20 «Автопарул». 16.35 «Маргилон - 2000 ёшда!». 16.40 «Солиқ хизмати хабарлари». 16.50 «Таълим ва таракқиёт». 17.05 «Самарканд - 2750 ёшда!». 17.10 «Чемпион силрари». 17.30 «Ўсимликларнинг қўринмас олами». 18.20 «Кино-SMS». 18.25 «Сифат белгиси». 20.10 «KINOMANIYA». 20.40 Эълонлар. 21.35 «Ёшлик наволари». 22.30 «SMS-музыка». 22.50 «Гул ифори». Т/с. TQSHKENT 7.30 «Салом, Тошкент!». 8.35, 18.50 «Гвадалупе». Т/с. 9.15, 18.05, 21.50 «Телекуррьер-маркет». 9.35 «Мисли гаваҳар». 9.50, 10.40, 20.15, 21.45 «ТВ юрист». 9.55 «Юртим жамоли». 10.10 «Интервью». 10.20, 19.30 «Музыка SMS». 10.50 Х/ф «С меня хватит». 17.55 М/ф «Шумтакалар». 18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт». 19.50 «Химоя». 20.20 Мир животных. 21.00 «Жозоба». 22.10 «Ўзбек таомлари». 22.50 Х/ф «Фантастическая четвертка». 7.00 «Бодрое утро». 8.05 «Малахов +». 9.00, 9.50, 18.00, 21.30 «Хабарлар». 9.20 «Детективы». 10.10 Футбол. Кубок Узбекистана. 11.00 Кураш. Республиканское первенство. 11.30 «Звезды мирового спорта». 18.00 «Детский спорт». 18.15 «Музыкальный тайм». 18.50 «Путешествия натуралиста». 19.15 «Народные игры». 19.35 «Футбол мундиал». 20.00 «Моя девушка». Т/с. 20.50 Автоспорт. Ралли Акрополис. 21.50 «Император и убийца». Х/ф. 22.50 Еврофутбол.	O'ZBEKISTON 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00, 1.00, 4.00 «Ахборот». 8.40, 13.45, 1.30 Олтин мерос. 8.50 «Шифокор қабулида». 9.20 «Музыка дунёси». 9.40 «Рангинкамон». «Диллар». 10.20, 20.10 «Чоликуши». Т/с. 11.00 «Оналар мактаби». 11.20 «Икки тақдир». Т/с. 12.00 «Заковат». 12.50 «Мухаббат гўшаси». Т/с. 14.20 «Хонадон». 14.45 «Осмондаги болалар». Б/ф. 16.15 «Уйла, Изла, Топ!». Телемусоба. «Эртақлар - яхшиликка етаклар». 17.30 «Олтин бешик». 18.00 «Оханглар оғушида». 18.10 «Саломатлик силрари». 18.30 «Минг бир ривоят». 18.35 «Меҳр кўзда». 19.15 «Сугурта оламида». 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар. 20.05 «ТВ шифокор». 21.40, 3.10 Жаҳон опера санъати юлдузлари. 22.20 «CINEMA.UZ». 22.45 «Меҳрибонлик». Б/ф. 23.55 Тунги наволар. 00.10 Б/ф «Тоғлик қувё». 1.40 «Янги кун». 2.40 «CINEMA.UZ». 3.50 «Маргилон - 2000». 4.35 Т/с «Мирзо Улугбек». 5.45 Тонгги наволар. YOSHLAR 7.00, 15.00 «Янги тонг». 9.00, 13.15 «Даврининг боласи». 9.15 «Болалар табассуми». 9.20, 20.50 «Зерда». Т/с. 9.55, 15.55, 18.55, 21.55 «Икким». 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр». 10.20 «Иркин ўрдака ва мен». М/ф. 11.40, 18.35 «Ғазал мулки». 12.00 «Тасвир ва таассурот». 12.15 «Санъат усталари». 13.30 «Афсона ва ҳақиқат» туркуми: «Чакмоқ». 14.15, 19.30 «Қор алангаси». Т/с. 14.50 «Муруват». 16.15 «Ватаним!». 16.20 «Автопарул». 16.35 «Маргилон - 2000 ёшда!». 16.40 «Солиқ хизмати хабарлари». 16.50 «Таълим ва таракқиёт». 17.05 «Самарканд - 2750 ёшда!». 17.10 «Чемпион силрари». 17.30 «Ўсимликларнинг қўринмас олами». 18.20 «Кино-SMS». 18.25 «Сифат белгиси». 20.10 «KINOMANIYA». 20.40 Эълонлар. 21.35 «Ёшлик наволари». 22.30 «SMS-музыка». 22.50 «Гул ифори». Т/с. TQSHKENT 7.30 «Салом, Тошкент!». 8.35, 18.50 «Гвадалупе». Т/с. 9.15, 18.05, 21.50 «Телекуррьер-маркет». 9.35 «Мисли гаваҳар». 9.50, 10.40, 20.15, 21.45 «ТВ юрист». 9.55 «Юртим жамоли». 10.10 «Интервью». 10.20, 19.30 «Музыка SMS». 10.50 Х/ф «С меня хватит». 17.55 М/ф «Шумтакалар». 18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт». 19.50 «Химоя». 20.20 Мир животных. 21.00 «Жозоба». 22.10 «Ўзбек таомлари». 22.50 Х/ф «Фантастическая четвертка». 7.00 «Бодрое утро». 8.05 «Малахов +». 9.00, 9.50, 18.00, 21.30 «Хабарлар». 9.20 «Детективы». 10.10 Футбол. Чемпионат Узбекистана. 11.00 Самбо. Чемпионат мира. 11.40 Концерт национального оркестра. 18.00 «Детский спорт». 18.15 «Музыкальный тайм». 18.50 «Тет-а-тет». 19.00 Самбо. Чемпионат мира. 19.40 «Футбольное обозрение». 20.00 «Моя девушка». Т/с. 20.50 Теннис. Открытый чемпионат Франции. 21.50 «Император и убийца». Х/ф. 23.10 ПрофРИНГ.	O'ZBEKISTON 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00 «Ахборот». 8.40, 1.30 Олтин мерос. 8.45 «Кичкина малика». Б/ф. 10.10 «Саломатлик силрари». 10.35 «Самарканди қуйлайман». 11.30 «Чоликуши». Т/с. 12.05 «Денгиздан томчи». 12.35 «КиноТеатр». 13.05, 14.55 «Гохи шодлик, гохи гам». Б/ф. 16.30 «50/50». 17.25 «Олтин тоғ». 18.00 «Одами эрсанг». 18.25 «Интеллектуал ринг». 19.10 «Оханглар оғушида». 19.25, 20.00, 20.55, 21.40 Эълонлар. 20.05 «Оддий ҳақиқатлар». 21.50, 3.15 «Охандаро». 22.30 «Соқов ва муҳаббат». Б/ф. 00.05 Тунги наволар. 00.25 «Фориш». 00.50 «Самарканд - 2750». 1.40 «Олтин тоғ». 2.15 «Халқ ўйинлари». 2.35 «Хамон ёлдида». 4.45 Б/ф «Тўйлар муборак». 5.50 Тонгги наволар. YOSHLAR 7.00 «Кароки чоллар». Кинокомедия. 8.25 «Кино-SMS». 8.30 «Болалар давраси». 9.00 «Қишба намушаси». 9.20 «Зерда». Т/с. 10.00 «Ватанпарвар». 11.00 «Journal». 11.20 «Зверест». 12.00 Таятил туҳфаси: «Фантомас Скотленд-Ярда қарши». 13.45 «Нихол» мукфоти совриндори Шарофиддин Муродов қуйлайди. 14.15 Таятил туҳфаси: «Терабията мамлаката сари». 15.45 «Чемпион силрари». 16.05 «Ринг қиролилари». 16.55 «Болалар табассуми». 17.00 «Қирол Шер-3». М/ф. 18.15 «Айланай». 18.35 «Ғазал мулки». 18.55 «Икким». 19.00 «Давр ҳафта ичиди». 19.30 «ТВ-анонс». 19.35 «Табассум қил!». 19.40 «Кўзгү». 20.00 «Таранум». 20.45 «Оқшом кўнгираклари». 20.50 Эълонлар. 21.00 «KINOMANIYA». 21.30 Жаҳон киноси: «Дик ва Жейн». TQSHKENT 7.30 «Салом, Тошкент!». 8.35 «Гвадалупе». Т/с. 9.15, 11.25, 16.05 «Телекуррьер-маркет». 9.35 «Афиша». 9.50, 11.50 «ТВ юрист». 9.55 «Интервью». 10.05 Х/ф «Еттинчи жин». 11.15 «Истеъдод». 11.55 «Музыка SMS». 12.15 «Нажмика для акулы». Х/ф. 13.25 «Антена слушает». 14.15 Х/ф «Проклятие золотого цветка». 16.25 «Саргузаштлар ороли». 16.55 «Фаровоник бекати». 17.15 Кин «Устаси фаранг». 19.30 «Жозоба». 19.55 «CINEMA.UZ». 20.25 «Нима учун?». 21.00 «Всё о туризме». 21.40 Воскресный кинозал: «Там, где течет река».	O'ZBEKISTON 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00, 14.00, 19.30, 21.00, 1.00, 4.00 «Ахборот». 8.40, 13.45, 1.30 Олтин мерос. 8.50 «Шифокор қабулида». 9.20 «Музыка дунёси». 9.40 «Рангинкамон». «Диллар». 10.20, 20.10 «Чоликуши». Т/с. 11.00 «Оналар мактаби». 11.20 «Икки тақдир». Т/с. 12.00 «Заковат». 12.50 «Мухаббат гўшаси». Т/с. 14.20 «Хонадон». 14.45 «Осмондаги болалар». Б/ф. 16.15 «Уйла, Изла, Топ!». Телемусоба. «Эртақлар - яхшиликка етаклар». 17.30 «Олтин бешик». 18.00 «Оханглар оғушида». 18.10 «Саломатлик силрари». 18.30 «Минг бир ривоят». 18.35 «Меҳр кўзда». 19.15 «Сугурта оламида». 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар. 20.05 «ТВ шифокор». 21.40, 3.10 Жаҳон опера санъати юлдузлари. 22.20 «CINEMA.UZ». 22.45 «Меҳрибонлик». Б/ф. 23.55 Тунги наволар. 00.10 Б/ф «Тоғлик қувё». 1.40 «Янги кун». 2.40 «CINEMA.UZ». 3.50 «Маргилон - 2000». 4.35 Т/с «Мирзо Улугбек». 5.45 Тонгги наволар. YOSHLAR 7.00, 15.00 «Янги тонг». 9.00, 13.15 «Даврининг боласи». 9.15 «Болалар табассуми». 9.20, 20.50 «Зерда». Т/с. 9.55, 15.55, 18.55, 21.55 «Икким». 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр». 10.20 «Иркин ўрдака ва мен». М/ф. 11.40, 18.35 «Ғазал мулки». 12.00 «Тасвир ва таассурот». 12.15 «Санъат усталари». 13.30 «Афсона ва ҳақиқат» туркуми: «Чакмоқ». 14.15, 19.30 «Қор алангаси». Т/с. 14.50 «Муруват». 16.15 «Ватаним!». 16.20 «Автопарул». 16.35 «Маргилон - 2000 ёшда!». 16.40 «Солиқ хизмати хабарлари». 16.50 «Таълим ва таракқиёт». 17.05 «Самарканд - 2750 ёшда!». 17.10 «Чемпион силрари». 17.30 «Ўсимликларнинг қўринмас олами». 18.20 «Кино-SMS». 18.25 «Сифат белгиси». 20.10 «KINOMANIYA». 20.40 Эълонлар. 21.35 «Ёшлик наволари». 22.30 «SMS-музыка». 22.50 «Гул ифори». Т/с. TQSHKENT 7.30 «Салом, Тошкент!». 8.35, 18.50 «Гвадалупе». Т/с. 9.15, 18.05, 21.50 «Телекуррьер-маркет». 9.35 «Мисли гаваҳар». 9.50, 10.40, 20.15, 21.45 «ТВ юрист». 9.55 «Юртим жамоли». 10.10 «Интервью». 10.20, 19.30 «Музыка SMS». 10.50 Х/ф «С меня хватит». 17.55 М/ф «Шумтакалар». 18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт». 19.50 «Химоя». 20.20 Мир животных. 21.00 «Жозоба». 22.10 «Ўзбек таомлари». 22.50 Х/ф «Фантастическая четвертка». 7.00 «Бодрое утро». 8.05 «Малахов +». 9.00, 9.50, 18.00, 21.30 «Хабарлар». 9.20 «Детективы». 10.10 Футбол. Кубок Узбекистана. 11.00 Кураш. Республиканское первенство. 11.30 «Звезды мирового спорта». 18.00 «Детский спорт». 18.15 «Музыкальный тайм». 18.50 «Путешествия натуралиста». 19.15 «Народные игры». 19.35 «Футбол мундиал». 20.00 «Моя девушка». Т/с. 20.50 Автоспорт. Ралли Акрополис. 21.50 «Император и убийца». Х/ф. 22.50 Еврофутбол.	O'ZBEKISTON 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00 «Ахборот». 8.40, 1.30 Олтин мерос. 8.45 «Кичкина малика». Б/ф. 10.10 «Саломатлик силрари». 10.35 «Самарканди қуйлайман». 11.30 «Чоликуши». Т/с. 12.05 «Денгиздан томчи». 12.35 «КиноТеатр». 13.05, 14.55 «Гохи шодлик, гохи гам». Б/ф. 16.30 «50/50». 17.25 «Олтин тоғ». 18.00 «Одами эрсанг». 18.25 «Интеллектуал ринг». 19.10 «Оханглар оғушида». 19.25, 20.00, 20.55, 21.40 Эълонлар. 20.05 «Оддий ҳақиқатлар». 21.50, 3.15 «Охандаро». 22.30 «Соқов ва муҳаббат». Б/ф. 00.05 Тунги наволар. 00.25 «Фориш». 00.50 «Самарканд - 2750». 1.40 «Олтин тоғ». 2.15 «Халқ ўйинлари». 2.35 «Хамон ёлдида». 4.45 Б/ф «Тўйлар муборак». 5.50 Тонгги наволар. YOSHLAR 7.00 «Кароки чоллар». Кинокомедия. 8.25 «Кино-SMS». 8.30 «Болалар давраси». 9.00 «Қишба намушаси». 9.20 «Зерда». Т/с. 10.00 «Ватанпарвар». 11.00 «Journal». 11.20 «Зверест». 12.00 Таятил туҳфаси: «Фантомас Скотленд-Ярда қарши». 13.45 «Нихол» мукфоти совриндори Шарофиддин Муродов қуйлайди. 14.15 Таятил туҳфаси: «Терабията мамлаката сари». 15.45 «Чемпион силрари». 16.05 «Ринг қиролилари». 16.55 «Болалар табассуми». 17.00 «Қирол Шер-3». М/ф. 18.15 «Айланай». 18.35 «Ғазал мулки». 18.55 «Икким». 19.00 «Давр ҳафта ичиди». 19.30 «ТВ-анонс».

НАРГИЗА – ЙИЛНИНГ ТАШАББУСКОР САРДОРИ

Бугунги кунда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳимойлигидаги «Камалак» болалар ташкилоти ўқувчи ёшларни бирлаштириб, ўзига хос мавқега эга бўлиб турибди. Буни ўз келажақларини ташкилот истиқболи билан болаган минглаб ўғил-қизлар тимсолида қуриш мумкин.



Яқинда Республика «Камалак» болалар ташкилотининг навбатдаги анжуманлари бўлиб ўтди. Шу жараёнда семинар-тренинглар, спорт мусобақалари, ёзувчи ва шoirлар билан учрашувлар ва «Сардор-2007» кўрик-танловининг республика босқичи ўтказилди.

Бекобод шаҳридаги 9-мактабнинг 8-«А» синф ўқувчиси, вилоят Сардорлар кенгаши раиси Наргиза Раҳмонова «Сардор-2007» кўрик-танловининг республика босқичида вилоятимиз шаънини муносиб ҳимоя қилди. У танловда «Йилнинг энг ташаббускор сардори» йўналишида юқори ўринни қўлга киритди. Шу билан бирга 2006-2007 ўқув йили давомида

вилoят микёсида амалга оширган ишлари ва самарали фаолияти юқори баҳоланиб, Наргиза 2007-2008 ўқув йили учун республика Сардорлар кенгаши раиси этиб сайланди.

Азиза КУРБОНОВА,
«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши матбуот хизмати ходими.

Азам АЗИМИЙ



Куни билан худди жинни одамдек, ўзимни қаерга қўйишни билмай, жигибийрон бўлиб юрдим. Миямга келган фикрлардан бири институтга бориб, Ливияни кутиш бўлди. Ливия дарсдан чиқиб, рoстда нам Миша билан кетса, уларнинг кетидан қорам-қора бориб, нима иш билан шуғулланишларини аниқ билиш! Аммо бу фикр миямга қандай келган бўлса, шундай тез тарқ этди. Чунки бу, гирт пасткашлик бўлиб, Ливиянинг муҳаббатини ҳақоратлаш эди. Агар Ливия унинг ортидан поғлаб юрганганини билиб қолса, орамизга совуқчилик тушуши аниқ. Бошқа ҳўялироқ фикр келмади. Алексей Георгиевич ҳам, Маргарита Николаевна ҳам эндигина ишдан келишган эди. Ливия эса йўқ! Кайфиятим ёмон эканлигини кўрган Маргарита Николаевна ўзини оқлагандек:

— Авваллари сира бунақа қилмаган, — деди. — Айниқса, нотаниш йигитнинг уйига бориши сира ақлимга сиймайди.

Ливия жуда кеч, соат ўнларда келди. Онаси уни йўлакда қарши олиб, уришди. Хонамизга кириши билан ўзимни ухлаганга солиб ётишимга қарамай, узр сўраб, юз-кўзимдан ўпди. Шунда нигоҳим Ливиянинг бўйига тушиб, тахтадек қотдим. Қай кўз билан кўрайки, унинг оқушчиликдек оппоқ ва гўзал бўйида қора лентига тақилган аллага қандай нафис кулон осилиб турарди. Бунинг устига Ливия кулонни кўз-кўз қилиб, менга жиймалди, яна.

— Бу нималигини биласанми? — деб сўрагани ортिका.

Менинг шундай энсам қотдики, қандайдир Миша қилган совгани қўришни ҳам истамас эдим. Шундай бўлсада оникс, хризолитга ўхшаш икки-учта минералларнинг номини айтдим. Ливия бўлса хандон отиб қулди-да, минералогия бўйича китобларни қайта varaқлаб чиқишим лозимлигини масхалат берди. Кейин мени қучиб, қулогимга аста:

— Бу ҳеч қандай минерал эмас. Аксинча, сен жирқаниб, ахлатга ташла деб, менга берган сўяк бўлган. Миша бўлса, ундан шундай нафис кулон ясади! Энди буни доим бўйимда, сенга бўлган муҳаббатим рамзи сифатида тақиб юраман.

Қора шойи лентига осилган кулонга бошқа кўз билан қараб, хайратдан гап тополмасдим. Чунки, бир парчагина сўнғакдан Миша шундай санъат асарини яратган эдики, унинг таърифи кейинчалик махсус журналга газеталарда босилди. Гир атрофи олтин сым билан гардишланган бу кулонда юрак шакли ифодаланган бўлиб, у одам қаттида ётардики, худди унинг эгаси қимгадир ўз юрагини ҳада қилиб узаётгандек эди.

Кейинчалик мен Миша билан танишиб, дўстлашиб кетдим. Унинг бизга берган баъзи минераллари ҳалигача сақланмоқда...

Тошкентдаги карантин туфайли бизга тангри томонидан ажратилган бахтиёрлик мuddати, никоҳимизга нақ қирқ кун деганда, тўсатдан туғди. Тошкент йўли очилганини аштитганимизда уйда фақат Ливия ва мен эдик. Алексей Георгиевич катта текширув ўтказиш учун Челябинскга сафарга кетган,

Маргарита Николаевна эса Москвада Фанлар академиясининг Геология институтига эди. Ишонган суянчиларни йўқлиги учун бўлса керак, Ливия ўзини дарров қўлга олиб, йиғи-сиғи қилмай, мени йўлга тайёрлай бошлади. Аэропортга — Ири-нага қўнғироқ қилиб, Тошкент рейсининг эрталаб соат саккизда училишни билгач, соат олтига такси буюриб, қўнгли тинчиди. Менинг қўнглим эса, аксинча, жуда нотинч эди, юрагимда ғашлик, дилимда қандайдир қўрқув бор эди.

Қаршилигимга қарамай, Ливия мени қўзатган, институтга боришни айтиб, бирга аэропортга келди. Пинжига кириб кетгудек менга ёпишиб олган Ливияни кўриб, Тошкентга учувчи йўловчиларнинг қўпчилиги биз томонга имо қилиб, пиццалар, мийигларидида қўлиб қўйишарди. Ливия бўлса, худди уларга ўқича-гандек, парво ҳам қилмасди.

Ирина билан Ливия мени самолёт трапигача қўзатиб қўйишди. Ирина стюардессага тайинлаб, мени топширди. Ливиянинг мовий кўзларидан ёш думаларди, лабиди эса маъносидан таласасим. У мени қучоқлаб, видолашаркан:

— Шуни билки Азимий, онам мени фақат сен учун туққан. Сенинг учун яралганман. Мени сира унутма. Мен доим сен биланман! — деб, ўқирди юборди.

Самолёт фюзеляжига киришим билан эшик ёпилибди. Трап олчиди. Шунда менга азиз бўлган гўзал дунёга чиқувчи эшик абадий ёпилгандек, икки ёқни боғловчи йўл узилгандек бўлди...

нимда эса, Ирина ёш қалқинган қўзғани мендан яшириб, сўнгра чидай олмай, ўқирди йўлга бошлади. Бир хунук воқеа юз берганини сезиб, эҳсонам чиқиб кетди.

— Қанчалик оғир таъбир бўлса ҳам айт, — деб туриб олдим.

Шунда Ирина ёш тўла кўзини менга тикиб:

— Бизнинг Ливия энди йўқ, — деди изтироб билан. Бу хабар юрагимга тигдек санчилди. Ёруғ дунё бир зумда қоронғулашиб, бошим айланиб кетди. Ўзимга келганимда Ирина хамюртлари билан менинг бурнимга алланарсалар исқатиб, юлатишга, тинчлантиришга ҳаракат қилишарди...

(Давоми бор).

Шундай одамлар бор

расига ишора қилиб:

— Боласи тушмагур, эртадан кечгача шунга тикилади. Ўзича қулади, қўшиқ эшитса, ўйнаб ҳам кетади, — деди кўзлари қувончдан порлаб.

— Бунга томоша қизик, менга эса болажонимнинг шўхликлари...

НАСИБАСИ УЛУҒ КИШИЛАР

лар. Худого шукр, биз фарзандлари ҳаётда ўз ўрнимизни топиб кетдик. Укаларимнинг барчаси зиёли, ўз ишини топиб, юртада обрў-эътибор қозонган одамлар. Улар ҳамон онамизнинг дуои фотиҳаларини олиб, олдинга интилишарди.

— Невара, чевара, эвараларимнинг саногий йўқ, уларнинг исмларини адаштириб юбораман...

Ая сояки майизни озгига солиб, тишсиз милқларидида чайнаркан, таърифни ўхшатиб келтиради:

— Шаҳарликлар бизнинг Паркент узулларини яхши қўришарди. Йил ўн икки ой хонадонлардан

майизу туршак, жавзо билан ёз қилласини ҳисобга олмаса, узум аримайди, болам. Ота-боболаримиз очарчиликдаям шу неъматлар билан жон сақлашган.

Ая қўлларига майиз олиб тутамларкан, ёшлигини эслаб кетдим, мийғида қулиб қўйди:

— Хомток бошлиғини билан даладан бери келмасдик. Қирларча нўхат экардик, бугдой бошқаларини териб келардик.

Нисоби ая босиб ўтган сермазмун ҳаёт йўли, ҳўжалик равнақи-га қўшган ҳиссаси учун ҳўкумати-миз уни мустақиллигимизнинг 14

йиллиги арафасида «Шухрат» медали билан тақдирлади. Бугун 6 фарзанднинг онаси, 36 набира, 109 эвара, 44 чеваранинг меҳрибон бувижониси.

Чотқол тоғ ён бағирларида жойлашган Чанги қишлоғининг Кунгай маҳалласида истиқомат қилаётган Нисоби ая Хотамова зиёратига келувчилар пиру бадавлат онахоннинг дуоларини олишарди. Биз у кишининг хонадонига ташриф буюрган кунда 99 ёшли укалари Солибой бува Яхшибоев ҳам опаларини йўқлаб келган эканлар. Бува ота-боболари ҳам узоқ умр қўришганини айтиб, бунинг сири фақат меҳнат-севарликда, ҳалолликда, деди. У киши ҳақ. Нисоби ая ҳамон ўзини ўзи эплайди. Керак бўлса, чевараларини бешкика солади. Момоларидан эшитган халқ қўшиқларини берилиб айтиди.

— Бу кунларга қимлар етди, қимлар етмади, — дейди ая суҳбатдошларига. — Илоҳо, осмонимиз ҳаммаша тинч, болаларимизнинг умри-жони баракотли, бир-бирларига меҳр-оқибатли бўлишсин. Элу юртга тўқинлик, маъмурилик, баҳамжihatлик тиламан. Бу кунларга етмаганларни ёд этиб, ҳақларига дуолар ўқинг. Яқинларингизни йўқланг, ширин гапни ҳаммага айтишдан чарчаманг.

Нигора ЖАЛОЛИДИНОВА.

Эълонлар

Янгийўл туманидаги "RAYVAND-SERVIS" шўъба корхонаси (ОКПО 19015671) "RAYVAND-SERVIS" МЧЖга айлантирилмоқда.

Давволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Янгийўл тумани, Эски Ковунчи қишлоғи, Самарқанд қўчаси, 21-уй манзилида қабул қилинади.

Собир Раҳимов туман ҳокимияти томонидан 2006 йил 27 мартда "INTEGRA STYLE" масъулияти чекланган жамиятига улғуржи савдо-фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи УС № 001623 рақамли лицензия йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Шайхонтоҳур туманидаги "KISHMISH BOG" тайёрлов савдо шўъба корхонаси (ОКПО 105103448)

ТУГАТЛАДИ.

Давволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида қабул қилинади.

Бўстонлик туманидаги 27-мактаб томонидан 2003 йилда Шаймаханов Арман Ерадликов номига берилган О'Р-В 075535 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ООО IMKON-MONOLIT Юкоририччиқского района (код ОКПО 19195265) соообщает об уменьшении уставного фонда с 167385714 сума до 25500000 сум.

Представительство SIFE (Students in Free Enterprise) в Республике Узбекистан

ЛИКВИДИРУЕТСЯ.

Претензии принимаются в течении двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу: г. Ташкент, ул. Муртазаяева, 6. Тел.: 135-08-32.

Утерьяный план БТИ по адресу: массив Чиланзар Г-9А, д. 5, кв. 20, на имя ООО "RAYVAND-SERVIS" в лице ген. директора Хатами М.А.

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Частное предприятие "YULIS-LIDER-GRUPP" Кибрайского района производит реорганизацию в форме присоединения к частному предприятию "Ойди-на-О".

Претензии принимаются по тел.: 68-29-87, 68-52-56.

"Xalqaro Hamkorlik Markazi" акциядорлик компанияси жамоаси компания бошқаруви раиси Нарбаев Анвар Юсуповичга отаеси Юсуп Нарбаевич НАРБАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди.

ЎЗБЕКИСТОН ВАКИЛЛАРИ—КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

Осиё қитъаси мамлакатлари Олимпия терма жамоалари ўртасида келаси йили Хитойнинг Пекин шаҳрида бўладиган навбатдаги Ёзги Олимпиада ўйинларининг иккинчи саралаш босқичи якунланди.

"F" гуруҳидан жой олган Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси Самарқанд шаҳрида ташкил этилган сўнгги — олтинчи тур учрашувида Яман футболчиларига қарши тўп судди.

Беллашувнинг 56-дақиқасида Азиз Иброҳимов яманлик ҳимоячилар хатосидан умумли фойдаланиб, ҳисобни очган бўлса, Азиз Ҳайдаров ва Музаффар Умрзоқовлар ҳам биттадан тўп киритишга эришилди.

Ўз майдонидида учрашувда 3:0 ҳисобида зафар қуч-

ган Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси олтига учрашувдан 12 очко жамғариб, гуруҳда иккинчи ўринни эгаллади ва сўнгги баҳсда Бирлашган Араб Амирликлар устидан 3:1 ҳисобида ғалаба қозонган Жанубий Корея олимпиячилари билан бирга учинчи саралаш босқичига ўйланма олди.

Энди 13 июнь кунини Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида Осиё футбол конфедерацияси томонидан учинчи босқичда қатнашадиган қитъамизнинг энг қучли



ўн иккита олимпия терма жамоаси ўртасида қуръа ташлаш маросими ўтказилди. Қуръа натижасига қўра, учта гуруҳга бўлинган терма жамоалар жорий йилнинг куз ойида ташкил этиладиган сўнгги саралаш босқичида ўз гуруҳида биринчи ўринни қўлга киритиш учун куч синашарди.

Ў.А.

МОҲИР ДАРВОЗАБОНЛАР САФИДА

Германиянинг Висбаден шаҳрида жойлашган Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (IFFHS) дунёнинг барча даврлардаги энг яхши дарвозабонлари рўйхатини эълон қилди.

новнинг натижалари ҳам қайд этилган.

Ўзбекистон миллий терма жамоаси ва Тошкентнинг "Пахтакор" клуби посбони Игнатий Нестеровнинг номи рўйхатда икки маротаба кўрсатилди. Моҳир дарвозабонимиз миллий чемпионатимизнинг 2005-2006 йилги беллашувларида жами 822 дақиқа мобайнида гол ўтказмаган. Бу натижа ҳамюртимизга рейтинг-

да 122-қатордан жой олиш имконини берди.

Умуман олганда, дунёнинг 387 нафар дарвозабони қайд этган натижалар қўрсатилган рейтингнинг биринчи погонасини бразилиялик Жералдо Перейра де Матос Фильо эгаллаб турибди. У 1977 йилдан 1978 йилгача "Васко де Гама" жамоаси дарвозасини 1816 дақиқа давомида дахлсиз қўриқлаган.

Ў.А.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги "Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари директорларини танлаш ва тайинлаш тартиби ҳақида"ги Р-2146-сонли Фармойишига асосан қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган директор лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Т/р	Таълим муассасаси номи	Манзили
1.	Қибрай тадбиркорлик касб-хунар коллежи	Қибрай тумани, Тукайте... ...ни, Алишеровид маҳалласи, 6-уй. Инд. 702166
2.	Қибрай энергетика касб-хунар коллежи	Қибрай тумани, Тош. ДИЭС қўрғончаси. Инд. 700152
3.	Бука қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежи	Бука тумани, «Бўстон» жамоа ҳўжалиги. Инд. 702500
4.	Олмалик қурилиш ва коммунал ҳўжалиги касб-хунар коллежи	Олмалик шаҳри, Нижная трасса қўчаси, 15-уй. Инд. 702400
5.	24-маҳсус касб-хунар мактаби	Зангиота тумани, Богзор қўрғони, Инд. 702832

II. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузури-

даги Давлат тест маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамкорлигидаги 2005 йил 28 мартдаги 1461-сонли "Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари директор ўринбосарлари, педагог ва муҳандис-педагогларни бўш лавозимларини эгаллаш учун уларни танлов асосида танлаб олиш тўғрисидаги низомнинг янги тахририни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорига биноан қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган таълим муассасаси директорининг ўринбосари лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Директорнинг ҳўжалик ишлари бўйича ўринбосари лавозимига:

1. Қибрай энергетика касб-хунар коллежи;
2. Бўстонлик тумани Газалкент хизмат қўрсатиш ва иқтисодиёт касб-хунар коллежи.

III. Танловда олий маълумотли, камиди 5 йил олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида педагогик иш стажига эга бўлган, таянч маълумотли таълим муассасасида мавжуд бўлган тайёрлов йўналишларидан бирига тўғри келадиган мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

IV. Танловда иштирок этиш хоҳишини билдирган номзодлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

1. Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи номига ариза;
2. Шаҳар (туман) ҳокимлигининг тавсия хати (директор лавозимига номзодлар учун);
3. Таълим муассасаси директорининг тавсия хати (директор ўринбосари лавозимига номзодлар учун);



4. Сўровнома;
5. Тарҳимаи ҳол;
6. Маълумоти ҳақидаги ҳужжат ва унинг ксеро-нускаси;

7. Илмий даражаси ва илмий унвонлари ҳақидаги ҳужжатлар ва уларнинг ксеро нускаси (мавжуд бўлса);

8. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);

9. 4х6 ўлчамдаги фотосурат (6 дона);
10. Номзоднинг таълим муассасасига раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзган режаси (концепция);

11. Ҳарбий гувоҳномаининг ксеро нускаси;
12. Паспорт ва унинг ксеро нускаси (турар-жойи билан);

13. Меҳнат дафтарчанин ксеро нускаси;
14. Олдинги ёки ҳозирда ишлаб турган иш жойидан тавсифнома.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 (уттиз) кун мобайнида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Геофизика қўрғони.
Телефон: 66-09-59.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир

Убайдулла

АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими:

136-55-54.

Эълонлар: 133-90-82,

136-53-54.

Манзилимиз:

700000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар

кўчаси, 32.

Тошкент вилояти

Матбуот ва ахборот бошқармасида

03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.